



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Раҳматулла БАРАКАЕВ
Наим КАРИМОВ
Баходир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
(*бош муҳаррир ўринбосари*)

Бахтиёр НАЗАРОВ
(*бош муҳаррир ўринбосари*)

Ёркинжон ОДИЛОВ
Эргаш ОЧИЛОВ

(*масъул котиб*)

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқижон ТЎХЛИЕВ

Алмаз УЛВИЙ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

5
2021

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРЛАРИДА
ЛИРИК КЕЧИНМА**

Шеърият руҳий кечинмалар, қалб тугёнлари натижаси ўлароқ дунёга келади. Шоир қалбининг тубида биқиллаб қизиб турган ҳиссий кечинмалар маълум бир вазият, маълум бир ҳиссий таъсир оқибатида вулқон каби катта қудратга айланади ва портлайди. Шеърият айна шу ҳислар портлашининг гўзал маҳсулидир. Ҳар қандай портлаш жамиятга маълум даражада таъсир кўрсатгани каби ҳиссий портлаш ҳам катарсисни пайдо қилади. Кечинма маҳсули бўлмиш шеър таъсирида инсон қалби тўлқинланиши, кўз ёш тўкиши, севиниши ва ҳаттоки бутун бошли жамият ҳаракатга келиши мумкин. Туйғулар шоир қалби призмасидан ўтиб, лирик кечинмага айланади.

Б.Саримсоқов лирик кечинма тушунчасига қуйидагича таъриф беради: "Ҳаётдаги характерли воқеа ва ҳодисалар ижодкорнинг диққат-этиборини тортиб, қалбу шуурига ўрнашиб олади, унга ором бермайди, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўй суриш, мулоҳаза юритиш мувозанатини бузади. Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини ҳузур-ҳаловатини бузган руҳий ҳолат лирик кечинма, деб аталади". Олим воқе бўлиши ва тугал эстетик ходиса сифатида шаклланишига қараб, лирик кечинмани иккига ажратади: оний лирик кечинма ва хотира лирик кечинма. Уларнинг фарқи: бири лаҳзалик кечинма ҳосиласи бўлса, иккинчиси шоир хаёлини узоқ вақт мобайнида банд этиб юрган фикрлар натижасидир. Абдулла Ориповнинг хориж сафарларида ёзилган шеърларини айна тасниф асосида тадқиқ қилиш муҳим илмий хулосалаор чиқариш имконини беради. Шоирнинг "Ҳаж дафтари", "Женева дафтари", "Япон оҳанглари", "Италия дафтари", "Туркия дафтари", "Уммонорти илҳомлари" каби туркумларидаги жами 319 та шеърининг аксариятида сафар манзили ёки шеърлар ёзилган саналар аниқ бўлгани боис уларни оний лирик кечинма маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. Бу туркумлардаги шеърлар шоирнинг Ватан, муҳаббат, гўзаллик, ҳақиқат туйғуларига доир лирик кечинмаларни акс эттиради. Оний лирик кечинма маҳсули бўлгани боис уларнинг фалсафий моҳияти теран, бадиий жиҳатдан мукамал. "Оний лирик кечинма ижодкорнинг руҳий, ҳиссий ва ақлий фаолиятининг биргаликда бир вақтда қўшилиши туфайли эстетик қиммат касб этувчи тугалликка эришади"¹.

Шоир шеърларидаги лирик кечинма табиатидан келиб чиққан ҳолда, уларни қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин:

1. *Кўчувчан лирик кечинма* – бундай лирик кечинмада шоирнинг айнан бир хорижий сафарда ёзган шеъридаги кечинма бошқа бир давлатдаги шеърларда ҳам учраши, яъни шоир бир кечинмани турли жойда ва вақтда қайта ҳис қилиши аниқланди. Бунга шоирнинг Ватан соғинчи билан боғлиқ кечинмалари мисол бўла олади. Деярли ҳар бир сафари мобайнида Абдулла Орипов ўз Ватанига бўлган меҳри ва чексиз соғинчи ҳақида ёзади.

¹ Sarimsoqov B. Badiylik asoslari. – Toshkent: Til va adabiyot instituti, 2004, 86-bet.

2. *Антитез лирик кечинма* – шоирнинг бир рухий ҳолатдан бошқа бир рухий ҳолатга ўтиши, қарама-қарши кечинмалар гирдобдаги инсон қиёфаси акс этган шеърлари бунга мисол. Дейлик, шоир қайсидир шеърда ўз кечинмаларини рухий босиқлик билан, бошқа бир шеърда эса кескин танқид, киноя воситасида ифодалайди. Бир шеърда ўз умридан мамнун, рози инсон қиёфасида гавадаланса, бошқа бир шеърда умри афсуслар, надоматлар ичида ўтган лирик қахрамон сифатида намоён бўлади.

3. *Ўзгармас лирик кечинма* – бунга шоирнинг адолат, ҳақиқат, адабиёт – шеърят ҳақидаги ўзгармас лирик кечинмалари акс этган шеърлари мисол бўла олади. Зеро, шоир қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзи улуғлаган, ишонган энг олий туйғулар ҳақида ўзгармас фикрга ва кечинмага эга. Ҳеч ким ва ҳеч нарса айна шу туйғулар ўзгаришига сабаб бўла олмайди.

Лирик кечинмаларсиз асар йўқ. Аммо кечинма ҳам индивидуал характерга эга. Ҳар бир ижодкор бирор воқеликка ўзи истаган назар билан боқадди ва шу боис ҳам айна бир воқеага нисбатан ҳар бир инсон турлича кечинмани ҳис этиши мумкин. А.Ориповнинг Ватан ҳақидаги кўнгил кечинмалари ватанпарварлик лирикасини юксалтирди. Н.Жабборов фикрича: "Ватан мавзуси Абдулла Орипов ижодида ўзига хос юксак мақомга эга. Ижодкорнинг бу мавзудаги шеърлари мавжуд қолипларга асло мос келмайди. "Ватан" сўзини сунистеъмом қилиш, тарғибот-ташвиқот руҳи шоир ижодига мутлақо бегона. У Ватан мавзусига бетакрор ёндашади, қутилмаган ташбехларни қўллайди, мисралар куйилиб келади. Натижада, уларни мутолаа қилганлар қалбида ўз-ўзидан она заминга муҳаббат туғилади. Кўнгилларга Ватан қадри нечоғли юксак экани ҳақидаги туйғу инади"². Шоирнинг хориж сафарлари давомида яратилган Ватан ҳақидаги назмий туркумлари бу фикрни тасдиқлайди. Уларнинг ҳар бирида Ватан ва халқ тақдирдан хавотир, унга қайғуриш, куйиниш туйғулари акс этади. Шоир "Ҳаж дафтари" туркумидаги "Қаъбатуллоҳ" шеърда мана бундай ёзади:

*Ҳануз бири икки бўлмаган элдан
Келдим, нажот излаб, ё Қаъбатуллоҳ.
Бағри хун, толеи қулмаган элдан
Келдим, нажот излаб, ё Қаъбатуллоҳ.*

Ҳаж – ҳар бир мусулмон орзу қиладиган сафар. Шоир шу улуғ масканда ўз халқи ва Ватани тақдир учун куйинмоқда. Бири икки бўлмаган, толеи қулмаган халқ учун нажот излаётти. Бу муқаддас даргоҳда ёлғон ва тама бўлмаслиги инобатга олинса, шоир кўнгил кечинмалари нақадар соф ва самимий экани ойдинлашади. Айна шу кечинма шоирнинг кейинги шеърларига ҳам кўчгани кузатилади. "Женева дафтари"дан ўрин олган "Халқаро анжуман" шеърда шоир қуйидагича ёзади:

*Қўшни фин сўрайди секин, айлаб ноз: –
Жаноб, Сиз ким учун бергайсиз овоз?*

² J a b b o r o v N. Go'zal tashbih, sirli ruh \ Ozod vatan saodati. – Toshkent: "Adib", 2013, 325-bet.

*Мен ҳам эснайман-у, кўкрак кераман,
Ўзбекистон учун овоз бераман!*

Шоир Ҳаж зиёратида Ватани учун дуо қилган бўлса, халқаро анжуманда унинг учун овоз беради. Ҳар икки шеърда ҳам шу юрт тақдири учун куйиниш ҳисси ифодаланган. Юқоридаги шеър шоирнинг Женевага 1996 йилги сафарида ёзилган бўлса, ана шу заминга иккинчи бор 2003 йилги саёҳатида ҳам, Италияда бўлганида ҳам айни шу лирик кечинма талқини кузатилади. Бу ҳақда А.Ориповнинг ўзи суҳбатларидан бирида шундай деган эди: "Ватан туйғуси инсонга она вужудидаёқ эш бўлса керак, деб ўйлайман. Йиллар, ҳаёт бу туйғуга шакл беради, сайқал беради".

Ижодкорнинг Ватан ҳақидаги кечинмалари сафарда ёзилган шеърларда икки хил тарзда намоён бўлади: 1. *Ошкор кечинмалар тарзида*. Бунга юқорида таҳлил этилган шеърлар мисол бўла олади. Уларнинг ҳаммасида шоирнинг Ватанга бўлган меҳри, муҳаббати яққол намоён бўлади. Шоир ўз кечинмаларини тўғридан-тўғри ифодалайди. 2. *Яширин кечинмалар тарзида*. Бундай шеърларда шоир ўз лирик кечинмаларини ошкор этмайди. Уларни қандайдир воқеа-ходиса ёхуд образ замирига яширган ҳолда тасвирлайди. Бундай шеърлардаги асл лирик кечинмани топиш, англаш ўқувчидан бир қадар изланишни, закийликни талаб этади.

Адабиётда баъзан бир лирик кечинма воситасида бошқа бир лирик кечинма ифодаланади. Бунда шоир бадиий мақсадини очиш учун бирор образдан фойдаланади. Бундай образларни шартли равишда *восита образлар* дейиш мумкин. Восита образлар аксар шоирларнинг хориж сафарларида ёзган шеърларида учрайди. Жумладан, рус шоири С.Есениннинг Шарққа сафарлари мобайнида яратилган шеърларида учровчи "Шаҳина", Э.Воҳидовнинг Кавказ сафари билан боғлиқ "Азгануш" кабилар восита образларга мисол бўла олади. Бундай образлар А.Орипов шеърларида ҳам мавжуд. Мисол учун, "Ҳабаш қиз", "Камилла" каби. Бу образлар воситасида шоир шеър замирига бутунлай бошқа бир мазмун-моҳиятни сингдиради. Шу жиҳатдан, восита образлар қатнашган шеърлар моҳиятида яқинлик кузатилади. Бундай мутаносиблик Есенин ва Орипов ижодида ҳам кўринади. Ҳар икки шоирнинг хорижда ёзилган шеърларидаги дастлабки ва энг муҳим умумийлик ватанпарварлик ҳиссининг устуворлигидир. Уларнинг ҳеч бири қаерда бўлмасин ўз юртини унутмайди. Жумладан С.Есениннинг "Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам" деб номланувчи шеърига эътибор қаратайлик:

*Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,
Шимол ёқда бир нозанин бор.
Сенга ўхшар, зоятда дилдор,
Балки мени ўйлар ул санам...
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.*

Шарқда кўнгили қўйган ёри (Шаҳина) унга шимолда унга интизор бўлган ўз муҳаббатини, ўз Ватанининг дилбар қизини эслатади. Зоҳиран, бу шеър ошиқнинг бир қизга дил изҳоридир. Аммо тағмотда шоирнинг ўз юртидаги гўзал, ўз Ватани ҳақидаги ўйлари акс этади. Чунки ҳар шоир бутун

борлиғи, жамики туйғулари билан ўз Ватанига ипсиз боғланган. Шу боис унинг муҳаббати ўз манзилдан айро бўлиши мумкин эмас. Лирик кечинма ана шу тарзда бошқа бир лирик кечинма замирида ифодаланади. Буни англаш ўқувчидан алоҳида тайёргарликни талаб этади.

А.Ориповнинг "Женева дафтари" туркумидаги "Жамайка" шеърда шоир кўнгил қўйган санам "Минг бир кеча" эртақларида таърифланган санамлардан-да гўзалроқдир.

*Боқиб жамолинга, юрагимда мунг,
Олис ёшлигимни эсга олайин.
Ортингдан "Жамайка, Жамайка", деб сўнг,
У сирли қўшиқни куйлаб қолайин.*

Шеърда севикли ёр шоирга олис ёшлигини, демак, болалиги ўтган гўзал диёрни эслатади. Жамаиканинг гўзал қизи шоир қалбини тўлқинлантиради ва уни энг бахтиёр дамларига – ёшлик кезларига қайтаради, хаёлан ўз юртига қайтаради. Бу каби ифоданинг аниқ ва равшан ифодаси айти шу тўпладан ўрин олган, айти шу 1996 йилда ёзилган "Ҳабаш қиз" шеърда янада равшанроқ аён бўлади.

А.Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида турли миллат аёллари образи учрайди. Шоир уларнинг ҳар бирини ҳурмат ва муҳаббат билан тилга олади. "Женева дафтари"даги "Жамайка", "Ҳабаш қиз", "Италия дафтари"даги "Камилла" бунинг исботидир. Уларнинг тили, дини, кўриниши, дунёқараши бир-биридан фарқ қилиши табиий ҳол, албатта. Аммо уларнинг ҳар биридаги қайсидир жиҳат шоирнинг ўз юртидаги муҳаббатини ёдга солиди, қайсидир жиҳати билан улар шоир севган, ардоқлаган ўзбек қизига ўхшаб кетади. Бу ҳол шоир шеърлятидаги аёл образининг асл моҳиятини ифодалаган, наздимизда. А.Орипов саёҳатномаларидаги барча миллат аёллари образини умумий яхлитликда тутиб турувчи занжир бу – лирик кечинмадир. Бу образларга шоир мақсадини очиб берувчи восита сифатида қаралса, тўғри бўлар эди.

Хулоса қилиш мумкинки, лирик кечинма ижодкор бадиий мақсадини англашда ўзига хос поэтик очкич вазифасини ўтайди. Шоирнинг ижод концепцияси ҳам, бадиий-эстетик идеали ҳам айнан лирик кечинмада поэтик ифодасини топади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Абдулла Ориповнинг хориж сафарлари мобайнида яратилган шеърларида лирик кечинманинг ўрни ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В статье речь идет о месте и роли лирических переживаний в поэзии Абдуллы Орипова, созданной во время его зарубежных поездок.

RESUME. In this article the poems of Abdulla Oripov written during travels to foreign countries are discussed and it is spoken about the role of lyrical feeling.

Таянч сўз ва иборалар: лирик кечинма, бадиият, образ, тасниф, сафар.

Ключевые слова и выражения: лирические переживания, художественность, образ, классификация, путешествие.

Key words and word expressions: lyrical feeling, literary, symbol, separation, travel